Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 5-iyun • Payshanba • 70 (27.875) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS QONUNCHILIK PALATASI

«Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади».

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стуббни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган Финляндия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк давридаёқ ЕХҲТга аъзо бўлиб, ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда экология соҳаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йили Тошкентда ЕХҲТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича бюроси очилган. Айни пайтда юртимизда ЕХҲТ лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон — Финляндия муносабатларига Президент Ислом Каримовнинг 1992 йили ушбу мамлакатга ташрифи асосида асос солинган. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат ва ташқи савдо маҳкамалари делегацияларининг ўзаро ташрифлари изчил давом этмоқда.

Финляндия Европа Иттифоқи давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилган. «Ўзбекистон — ЕИ» ҳамкорлик кенгашининг дастлабки мажлиси 1999 йилда Финляндия раҳбарлигида ўтказилган.

Мамлакатларимиз ЕИ ва ЕХҲТдан ташқари, БМТ ҳамда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Финляндияга нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, ўғитлар, хизматлар экспорт қилади, ушбу мамлакатдан юртимизга целлюлоза ва кимё маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, дори-дармон, резина буюмлар импорт қилинади. Мамлакатимизда финляндиялик сармоядорлар иштирокида тузилган «Scanmix-Samarkand», «Nokia Simens Network Tashkent» каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Александер Стубб самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Финляндия Ўзбекистон билан икки томонлама асосда ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон — Финляндия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Франция Медиатори Жан-Поль Делевуани қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингизни Франция жамоатчилиги делегациясининг ташрифи деб қабул қиламиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу Франциянинг нафақат давлат тузилмалари, балки жамоат ташкилотлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишидан далолатдир. Ташрифингиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун яхши имкониятдир.

Францияда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат билан қаралади. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йили Парижга расмий ташрифи асосида Франциянинг ўша пайтдаги Президенти Жак Ширак Ўзбекистонга, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига ҳурмат белгиси сифатида давлатимиз раҳбарига Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га йўллаган мактубини тақдим этган эди. ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Парижда 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейлари, 1997 йилда эса Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари кенг нишонлангани мазкур фикрнинг яна бир ёрқин далилидир.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. 2007 йилнинг октябрь ойида Франция Ташқи ишлар вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда. Франция Сенатида «Франция — Марказий Осиё» парламентлараро гуруҳи, Миллий йиғинида «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи тузилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида Франция Сенати билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил қилинган.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 321,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда франциялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган «Миришкор» (чигитни қайта ишлаш), «Кофра» (пойабзал ишлаб чиқариш) каби қўшма корхоналар, Франциянинг 11 фирма ва компанияси, «Креди Коммерсиаль де Франс» ва «Сосьете Женераль» банкларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳам кўлами кенг. Франция билан макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Икки мамлакат мутахассислари қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда. Францияда ўзбек, Ўзбекистонда француз мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари таржима этилиб, чоп қилинмоқда. Хусусан, Францияда Алишер Навоий ғазаллари ва Амир Темур тузуклари нашр қилинди. Олий ўқув юртларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида талабалар алмашуви, ўқитувчилар малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Франция Медиаторининг ташрифи асосида икки мамлакат омбудсманлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган бу йўналишдаги алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда. Хусусан, Омбудсман институти, унинг миントақавий вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Жан-Поль Делевуа самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон — Франция муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланаётганини, қамрови кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

☑ 2008 йил – Ёшлар йили

ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАР МАСКАНИ

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг 772 нафар иқтидорли ўқувчилари 2007-2008 ўқув йилини ўзига хос муваффақиятлар билан якунлашмоқда.

— Бугун ана шу ёшларимизга 52 нафар ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бермоқда, — дейди лицей директори, физика-математика фанлари номзоди Маҳаммаджон Убайдуллаев. — Ёшларимизнинг яхши таълим-тарбия олишлари учун бизда барча шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, ўқувчиларимиз ана шу эътибор ва ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, истеъдодли ёшларимиз вилоят миқёсидаги рус, немис тиллари, математика фанлари бўйича олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Суратларда: лицейнинг истеъдодли ўқувчиларидан бир гуруҳи; ўқувчи Гулчеҳра Ҳамдамова лингафон хонасида.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стубб раҳбарлигидаги делегация 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Икки ва кўп томонлама, жумладан, ЕХҲТ доирасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 май куни қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлганини алоҳида таъкидлади, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларга юксак баҳо берди.

— ЕХҲТ Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор, — деди А.Стубб.

ЕХҲТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА)

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН хизмат қиладиган қонун — 2

ТАБИАТГА МУНОСАБАТ Ер юзидаги глобал исиш жараёни давом этаяпти. Абадий музликлар эриб бораяпти... муносабат, оқибат, чора-тадбирлар — 3

ДУНЁНИ ҲАЯЖОНГА СОЛУВЧИ 23 КУН 7-29 июнь кунлари Швейцария ҳамда Австрия яшил майдонларида футбол бўйича XIII Европа чемпионати баҳслари бўлиб ўтади — 4

☑ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ

ОАВда қанча кенг акс этса, партиянинг электорат билан алоқалари шунча самарали бўлади

Жамиятимизда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм такомиллашгани сари ОАВнинг ўрни ва аҳамияти ҳам ошиб боряпти. Ҳозирги турмушимизни ОАВсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам матбуот, телевидение, радио ҳамда интернетдан фойдаланиш сиёсий партиялар фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Партия ғоялари, дастурий мақсадларини амалга ошириш, режалари ҳақида жамиятни хабардор қилиб бориш, жамоатчилик ва электорат билан алоқаларни мустаҳкамлашда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳар бир сиёсий партия учун жуда зарур.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағишланди. Унда Қорақалпоғистон республика партия кенгаши, Жўқорғи Кенгесдаги фракцияси, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари аъзолари, шаҳар, туман партия кенгашлари раислари ва ўринбосарлари, «Истиқбол» ёшлар ҳамда «Фаол аёллар» қанотлари фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

— Партия ташкилотларимиз ОАВ билан алоқани такомиллаштириб бориши зарурлигини бугун замоннинг ўзи талаб этаяпти, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Алписбой Ибодуллаев. — Бу нафақат партиямиз ғояларини кенг тарғиб этиш, балки ОАВни мазмунан бойитишга ҳам хизмат қилади. Газета ва журналлар таҳририятлари, телевидение ва радио муҳарририятларига сиёсий ҳаётни ёритишда яқиндан ёрдам кўрсатсак, бу икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

— Партия нашрларида ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолияти, депутатларимизнинг партия электорати манфаатлари, ўз депутатлик мажбуриятлари бўйича олиб бораётган ишлари янада кўпроқ ёритилишини истардик, — деди Қораўзак туман партия кенгаши раиси Қидирниёз Досназаров. — Чунки депутатлар фаолияти орқалигина партия ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилади, дастурий мақсадларини амалга оширади. Шундай бўлгач, матбуотда депутатлар чиқишларини мунтазам уюштириш керак.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами экан, — деди «Аму тонги» газетаси бош муҳаррири, ЎзХДП фаоли Назира Матяқубова, — уларнинг муаммолари ечими, партия ташкилотлари, депутатлик тузилмалари ижтимоий масалаларни ҳал қилиш борасида қилаётган ишлари тўғрисида кўпроқ ёритилса яхши бўларди. Бунинг учун ҳамкорликда ишлашимиз талаб қилинади.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Аталла Асанов партия нашрларида ҳудудий, бошланғич ташкилотлар фаолияти, иш тажрибаларини кенг ёритиш, мамлакатимиз Президентининг Фармон ва қарорлари, уларнинг аҳамияти ҳамда партиямиз ғояларини аҳолига етказишда ОАВнинг ўрни ҳақида тўхталди.

Семинарда партия ташкилотларининг ОАВ билан алоқасини такомиллаштириш, ЎзХДП нашрларига обунани уюшқоқлик билан утказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОЛАЛАР ПАРВОЗИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган «Ҳамоҳанглик ва тинчлик меҳр келтирар» болалар санъати халқаро кўргазмасида юртимиз фарзандларининг ижод намуналари намойиш этилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан вакиллар иштирок этган мазкур тадбирда юртимиз ёшлари юқори ўринларни қўлга киритишди. «Янги авлод форуми» санъат мактаби, Болалар ижодиёти маркази, Бадиий Академия қошидаги санъат мактаби ҳамда республика тасвирий ва амалий санъат лицейи, Дизайн коллежи, Хоразм, Наманган, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатлари ўқувчиларининг кўргазмада намойиш этилган 140 дан зиёд асарлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Мамлакатимиз вакилларидан 74 нафари ғолиб деб топилиб, 9 та махсус олтин медаль, 28 та олтин, 25 та кумуш ва 12 та бронза медалини қўлга киритишди.

Тошкент шаҳридаги Болалар ижодиёти маркази ўқувчиси, олти ёшли Милана Гленчикова бисердан тайёрлаган дарахт, гул ва турли шакллари чет эллик мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб, учта махсус олтин медаль билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирлар иштирокчилар қалбини қувонч ва шодликларга тўлдирди.

Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбир болажонлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолса, ажаб эмас. Жиззах шаҳридаги «Ўрда» боғида ўтган байрам тадбири, айниқса, қувончли бўлди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва ЎзХДП вилоят кенгаши ташкил этган «Расмларда юртим жилоси» мавзуидаги ногирон болалар ижодий кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Кўргазма қатнашчиларига байрам совғалари, иқтидорли болаларга мукофотлар топширилди.

Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан боқувчисини йўқотган оила фарзандлари, туғма ногирон болалар ҳолидан хабар олинди. Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси Воҳид Ҳасанов, маҳаллий Кенгашлар депутатлари Шуҳрат Холматов, Сабоҳат Зуннунова, вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шерзод Бобожонов ҳамда шаҳар ногиронлар жамияти раиси Муҳаррам Абдураимовалар болаларга эсдалик совғалари топширдилар.

Шаҳар истироҳат боғида эса болалар иштирокида маданий тадбирлар ўтказилиб, энг яхши шеър, ашула ва рақс ижрочиларига партия кенгашининг мукофотлари берилди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензиялан

Депутат ва ҳаёт

ОЧИҚ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Депутат билан сайловчилар учрашуви ҳамиша қизғин ўтади.

Бувайда сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Маҳмуджон Маҳқамовнинг тумандаги Найман маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувида ҳам сайловчилар ўзларини қизиқтирган қатор масалалар ҳақида депутатнинг фикрларини эшитдилар. Фуқаролар йиғини раиси Икромжон Шерназаров, Найман қишлоғидаги 44-мактаб директори Абдураззоқ Аҳмедов депутатлар ва сайловчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, юзага келаётган муаммоларнинг қонуний ечимлари юзасидан ўз фикрларини баён этишди. Очиқ ва эркин суҳбат тарзида ўтган мулоқотлар жараёнида мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ёшлар йилида қилинаётган ишлар, бу масалада ЎзХДП фаолларининг вазифалари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти қизғин муҳокама қилинди.

— Сайловчилар билан учрашувларда билдирилган фикрлар қонун ижодкорлиги жараёнида биз учун жуда қимматли аҳамиятга эга, — дейди депутат. — Қонунлар лойиҳалари бевосита ҳаётдан, амалиётдан келиб чиқиб тайёрланмаса, унинг ишлаши қийин кечади. Табиийки, учрашувлар жараёнида кўпгина ҳудудий масалалар ҳам кўтарилди. Улар юзасидан тегишли идораларга мурожаат этиб, муаммони жойида ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Энг асосийси, сайловчилар парламент фаолияти, қонунчилик жараёни ҳақида қизиқмоқдалар. Биз депутатлар эса ўз навбатида қонун ижодкорлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган фикрлар олдик.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

•••

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари таклиф-мулоҳаза ва мунозараларга бой бўлмоқда. Уларнинг турли мавзуларда ўтаётгани сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Денов туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган учрашувда сайловчилар вакиллари билан биргаликда халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашлари депутатлари, молия, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар, меҳнат бўлимлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари мутасаддилари, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди.

Депутатлар Анвар Бойқулов ҳамда Жалғаш Маматмўминовлар дастлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари ҳақида фикр юритдилар. Сайловчиларга ўз фаолиятлари юзасидан ахборот бериш билан бирга, қабул қилинган қонунлар ва уларнинг мазмунмоҳияти тўғрисида ҳам батафсил тўхталдилар. Жумладан, «Ипотека тўғрисида», «Автомобиль йўллари тўғрисида», «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қатор қонунларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишида барчанинг бирдек масъулият билан ёндашиши лозимлиги хусусида тушунча беришди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Аҳолини қийнаётган айрим муаммолар ечими ҳақидаги саволларга эса учрашувда иштирок этган мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жавоб қайтардилар.

— Кучли давлатдан кучли жамият сари дадил одимлаётган мамлакатимизда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс, — дейди С.Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Назарали Шукуров. — Фуқароларни ташвишга солаётган кўпгина масалаларни маҳалланинг ўзида ечиш мумкин. Бу борада депутатларимиз билан маслаҳатлашиб олдик.

Фаол ишчанлик руҳида ўтган учрашув қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қонун ва шарҳ

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, транспорт, шу жумладан, ҳаво транспорти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида шу йил 9 апрелда матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган **«Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонунни келтириш мумкин.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси парвозларининг хавфсизлиги қоидаларини тартибга соладиган бир қатор халқаро шартномаларга қўшилди, шунингдек, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида транспортда, шу жумладан, ҳаво транспортида жиноятлар содир этганлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида эса ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш, ҳаво кемаларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш, шунингдек, ҳаво кемаларида белгиланмаган жойларда чекиш билан боғлиқ қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Аммо мазкур чора-тадбирлар транспортда хавфсизликни етарли даражада таъминлаб бермади. Хусусан, таҳлиллар ҳаво кемасида йўловчилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони кўпаётганлиги ҳамда бу ҳуқуқбузарликлар ҳаво кемаларининг парвозига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётганлигидан далолат берди. Ушбу ҳолатлар ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонуний таъсир чоралар кўрилиши кераклигини кўрсатди.

Қонуннинг 1-моддасида Кодекс нормаларининг амал қилиш ҳудуди белгилаб олинганлиги эътиборга лойиқ. Унга кўра, ушбу Кодекснинг 9-моддаси қуйидаги таҳрирдаги қўшимча (2-қисм) билан тўлдирилди: «Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очиқ ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади». Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 11-моддасида Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилиш белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида бундай мазмундаги норма мавжуд эмас эди. Киритилган норма эса халқаро амалиёт ва Жиноят кодекси нормаларига аналогик тарзда қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Кейинги пайтларда локомотивлар, пассажир вагонлари, автобуслар, таксилар, шаҳар ичида қатновчи электр транспортлари, метрополитен вагонларининг ойналарини синдириш ва ички жиҳозларини бузиш оқибатида жуда кўп миқдорда моддий ҳамда фуқаролар соғлиғига жиддий зарар етказилган. Ўтган йилнинг ўн бир ойи давомида бундай ҳуқуқбузарликлар олтмиш иккитани ташкил этган (2006 йилда эса бу кўрсаткич қирқ олтита бўлган).

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг 1-модда, 2-қисмига кўра, МЖТК 117-моддаси 1-қисми санкциясидаги **«энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача»** деган сўзлар **«энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача»** деган сўзлар билан, 2-қисми санкциясидаги **«энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача»** деган сўзлар **«энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача»** деган сўзлар билан, шунингдек, Кодекс 121-моддаси 1-қисми санкциясидаги **«энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача»** деган сўзлар, **«энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача»** деган сўзлар билан, 2-қисми санкциясидаги **«энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача»** деган сўзлар эса **«энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача»** деган сўзлар билан алмаштирилиши назарда тутилган. Келтирилган моддаларда ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш (117-модда) ва транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш (121-модда) каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, фақатгина 2006 ва 2007 йилда ҳаво кемалари бортида йўловчилар спиртли ичимликлар истеъмол қилиб ўзаро ва кема экипажи аъзолари билан жанжаллашиш, кема командири кўрсатмаларини бажармаслик, ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек, радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолларидан элликка яқини ҳисобга олинган. Маълумки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бошқарувининг 2000 йил 4 январдаги буйруғига асосан 2000 йилнинг 1 февралидан бошлаб Миллий авиакомпания рейсларида чекиш тақиқланган. Бироқ, бу ҳол ҳуқуқбузарликнинг бутунлай йўқолиб кетишига асос бўлмади. Буни чекиш ҳолатларининг камаймагани, аксинча, кўпая борганлигидан билиб олиш мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолатлар ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан келтирилган маълумот ҳамда хулосаларни эътиборга олган ҳолда ушбу Қонуннинг 1-моддаси, 4-қисмига мувофиқ, МЖТКнинг 122-моддаси таҳрири ўзгартирилиб, қуйидаги кўринишда баён этилди: «Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда чекиш, шунингдек, таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида чекиш энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ҳаво кемаларида чекиш энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

Шу ўринда жавобгарликнинг субъектлари ва жавобгарликни қўлловчилар доираси масаласи келиб чиқади. Жавобгарликнинг субъекти ушбу Қонунда белгиланган турдаги транспорт хизматидан фойдаланаётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Шу билан бирга, агарда халқаро транспортга зарар етказувчи хорижий давлатда ҳуқуқбузарликни содир эта туриб, ўзи ҳам бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, у жавобгарликнинг субъекти бўлиши мумкинми, деган савол туғилади. Бундай ҳолда тегишли давлат билан Ўзбекистон Республикасининг қандай турдаги халқаро келишуви ёки шартномаси мавжуд бўлса, аввламбор, ушбу шартнома қоидаларига амал қилинади. Ушбу турдаги жавобгарликни қўлловчилар қаторига аввал, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга энг яқин милиция пункти ходимлари, қолаверса, тегишли транспорт воситалари капитанлари (дарё ва ҳаво транспорти) ва бошлиқларини киритиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ушбу Қонуннинг кучга киритилиши техника хавфсизлиги, аввламбор ундан фойдаланувчи йўловчилар хавфсизлиги таъминланишида муҳим аҳамиятга эга.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди,
Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
етакчи илмий ходим.

Тиббиёт масканларида

ОИЛА СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

дейди оила шифокори, «Шуҳрат» медали соҳибаси Мунира Шаҳобова

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 8-оилавий поликлиника ҳудуддаги 9 та маҳаллада истиқомат қилувчи 32 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келади. 28 нафар малакали оила шифокорлари хонадонларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

— Бунинг учун шифокор махсус илм ва тажрибага эга бўлиши керак, — дейди поликлиниканинг бош шифокори, «Шуҳрат» медали соҳибаси Мунира Шаҳобова. — Мутахассисларимиз Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, Умумамалиёт врачлар тайёрлаш ўқув марказидаги махсус курсларда ўқиб, оила шифокори сертификатини олишган. Оилаларда «Саломатлик дафтари» ташкил этганмиз. Ҳар шанба куни ўзим навбатма-навбат маҳалларда, оилаларда бўламан. Чунки шундай касаллар ёки оилалар борки, сири кўчага чиқишини истамайди... Баъзилар шифокорнинг иши фақат даволаш, деб бир ёқлама ўйлашади. Ҳолбуки, биз оила саломатлигини сақлаш учун унинг ҳар бир аъзоси билан суҳбатлар қурамиз, тиббий савияларини ошириш йўлларини қидирамиз.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ

Суратларда: *жамоа аъзолари бемор ҳузурида; поликлиника бош шифокори М.Шаҳобова.*

Шофирконликлар етти пирнинг бири, мусулмон оламининг йирик намояндаларидан саналган Ориф ар-Ревгарий ҳазратларининг зиёратгоҳини ободонлаштиришга киришдилар. Зиёратгоҳ-

ЗИЁРАТГОҲ ОБОД ЭТИЛМОҚДА

га соя солиб турган эски бозор бузиб ташланиб, унинг ўрнида каттагина хиёбон барпо этиляпти. Моҳитобон номи билан машҳур бўлган бу улуғ зот қабрига олиб борувчи йўлаклар атрофига манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилди.

— Ободонлаштириш ишлари ҳашар йўли билан амалга оширилаяпти, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси, ХДП фаоли Ботир Олимов. — Бу ишга тумандаги маҳаллалар, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларнинг жамоалари муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини қуришда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) ўрни беқиёсдир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ

Куни кеча Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент юридик коллежида ўтказилган семинар ана шу мавзуга бағишланди. Унда вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Тадбирда ҳуқуқий маданиятни оширишда ОАВ имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш масаласи муҳокама этилди.

Анжуман сўнггида 2008 йилда адлия идоралари ходимлари орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган «Энг яхши мақола», «Энг яхши телелавҳа», «Энг яхши радиоэшиттириш» ва «Энг яхши интернет материали» учун танлов эълон қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Ислоҳот одимлари

ҒУЗОР КЕНГЛИКЛАРИДА

бу йил ғалла ҳам, пахта ҳам мўл бўлади

«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, партиямиз фаоли Январ Иноятов шундай ҳикоя қилади:

— Деҳқонобод, Шаҳрисабз ва бошқа яна кўп жойларда ишлаганман. Аммо мен Ғузорда туғилиб, ўсганман. Қалбим ана шу дашт, ана шу кенгликларга туташ. Шўртандаги конлардан ҳар йили 20 миллиард кубометрдан ошиқ газ қазиб олинаяпти. Бу ердаги кимё мажмуи тайёрлаб чиқараётган маҳсулотлар эса дуру гавҳарга тенг. Фақат суғориш учун сув етишмайди. Баҳор ёмғирдан берса бўлди, қир-адирлар донга тўлади...

Ҳаётнинг кўплаб синовларини бошдан кечирган оқсоқолнинг гаплари айни ҳақиқат. Кенгликлар чинакам барака кони. Бироқ суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос муаммолари кўп. Асосий майдонлар Деҳқонобод ҳудудидан оқиб келиб, Пачкамар сув омборини тўлдирадиган катта ва кичик Ўра дарёларининг сувига боғлиқ. Бундан тўрт-беш йил бурун канал орқали Аму сувлари ҳам туман далаларига оқа бошлади. Қишлоқ хўжалиги оёққа турди. Ўтган йили 50 минг тоннадан ошиқ ғалла, 20500 тоннадан зиёд пахта етиштирилиб, шартнома режалари ошириб адо этилди.

Ютуқ асоси нимада? Аввало, барча суғориладиган ва лалми ерлар деҳқончилик фермерлар қўлига ўтди. «Бўстон», «Ҳазрати Луқмон ота», «Тўра бобо», «Жаҳон» ва бошқа ўнлаб фермер хўжаликлари юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Фақат шугина эмас. Ғузор туманининг тупроқ шароити анча мураккаб. Ота-боболаримиз даштни бекорга «Шўртан» деб атамаганлар... Туманда мелиорацияга эътибор бир неча йилдан буён кучайиб бормоқда. Айниқса, ўтган йили Юртбошимизнинг алоҳида Фармонлари қабул қилингач, тупроқ унумдорлигини оширишнинг бир қанча лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бугун ишлар жадал давом этмоқда. Шундан 25 километрлик Қирмисой зовурларининг анча қисми тозалаб қўйилди. «Эскианҳорқурилиш» масъулияти чекланган жамият ва бошқа ташкилотлар бу ишда фаол қатнашмоқда.

— Туман ерларининг ҳолатини ўрганиш, тавсиялар ишлаб чиқиш бизга топширилган, — дейди «Гидрогеология экспедицияси»нинг Ғузор бўлими етакчи мутахассиси Баҳриддин Ўролов. — Масалан, мавжуд ернинг 40 фоизи оқ, 50 фоизи қизил тупроқ. Бу агротехника ва мелиорация тадбирларини доимо ўзаро боғлаб олиб боришни талаб қилади. 224 та кузатув қудуқларимиз орқали ер ости сувларининг ҳолатини назорат қилиб бораяпмиз...

Кейинги йилларда суғориладиган ерларнинг 7,5 минг гектари ўрта ва қаттиқ шўрланганги аниқланган. Айни пайтда мавжуд 240 километр магистрал зовурларни қазиш ишлари жадал кетаяпти. Бундан ташқари, 268 километрлик ёпиқ дренаж қувурларининг қарийб 50 фоизини тозалаш, таъмирлаш керак. 2680 гектар ернинг ҳолати яхшиланади, бу эса тупроқ унумдорлиги кескин кўтарилади дегани...

Ҳа, Ғузорда бирмунча мураккаб шароитда деҳқончилик қилинади. Чунки сув таъминоти ҳамиша табиатнинг келишига боғлиқ. Бу йил қиши билан лалми ерлар ҳайдалди. Чунки олдинги йилларда қирадирларда экин битмаганди. Яхши ният қилишди. Эрта баҳор лалми ерларга арпа, зиғир уруғлари ташланди. Баҳор иньомини аямади — уруғ тўла кўкариб чиқди.

Аммо бу орада ёмғир «тортилиб» кетиб, адирлардаги майсалар ўсишдан қола бошлади. Ўша кунларда туман фидойилари «Қани энди ёмғирини берсайди, одамлар неча йилларидан буён бу қирларга ҳеч нарса эка олмайди», деб куюнгандилар. Йўқ, астойдил сўраганга Яратган ҳам иньомини аямас экан. Кетма-кет ёмғирдан далалар бирам яшнаб кетдики, ранги қайта бошлаган майсалар яна бўйга зўр берди. Бугун улар ҳосилга тўлди. Баҳорнинг саховати қарийб 34 минг гектар суғориладиган майдонлар деҳқончилигига барака бераяпти. Ғалла ҳам яхши, ғўза ниҳолларининг ривожи ҳам...

— Оллоҳнинг об-раҳмати — ёмғир, — дейди тажрибали деҳқон, «Ҳазрати Луқмон ота» фермер хўжалиги бошлиғи Ашур Мейлиев. — Туманимизда деҳқончиликни кўтариш учун ҳамма имкониятлар бор. Фақат сув таъминоти яхшиланса, бас. Аммо бу табиатга боғлиқ. Асосий сув манбаи — Пачкамар сув омбори ҳамиша ҳам сувга тўлмайди. Ерларимизнинг бир қисмига «Дўстлик» канали орқали Амударё сувлари келди.

Хуллас, бу йил беш-олти марта ёққан ёмғир суғоришнинг ўрнини боса олди. Бугун жамоамизга қарашли 15 гектар майдондаги дон бошоқлари тўлиб турибди. Насиб бўлса, пахта ҳам ёмон бўлмайди...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

КАТТАҚЎРҒОНЛИК КАСАНАЧИЛАР

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш ҳамда йирик саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармон асосида «Каттақўрғон» тикувчилик корхонаси шаҳарда истиқомат қилувчи 28 нафар хотин-қиз билан шартнома имзолаб, касаначилик асосида меҳнат фаолиятини йўлга қўйди. Ишчи-ходимлар учун хизмат кийимлари тикадиган мазкур корхона маҳсулотларига нафақат Самарқанд, балки бошқа вилоятлардаги корхона ва ташкилотлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Суратда: корхона касаначиси Барно Бобоназарова.

Бугун — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ТАБИАТГА МУНОСАБАТ

Ер юзида глобал исиш жараёни давом этяпти, иқлимда ўзгариш юз беряпти. Ер шарининг бир бурчагида ёз мавсумида кучли сел бўляпти, шимолий қутбида эса ҳарорат кўтарилиб, абадий муз-ликлар эриб боряпти.

Олимларнинг изоҳича, иқлим ўзгариши ер биосфераси эволюциясига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, сайёрамизнинг флора ва фаунасини ғариблаштириб кўяди.

Мутахассислар бу жараён сайёрамизнинг узоқ ўтмишида ҳам юз берганини таъкидлашмоқда. Сўнгги юз йилликда эса фан-техника, саноат ва транспорт тараққиёти, мегаполисларнинг тез суръатда кенгайиши табиатга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Оқибатда ўсимликларнинг ноёб, эндем турлари йўқ бўлиб, ҳайвонот оламида камёб жониворлар камайиб кетди.

Инсон, аслида табиатнинг бир бўлаги. Атроф-муҳит — ҳаво, биологик ранг-баранглик, ер ва сув ресурслари эса ҳаётнинг, авлодларнинг давомийлигини таъминловчи омилдир. Лекин инсоннинг яшилликка, уммону фазога дахл этиши оқибатида табиий ландшафтларнинг ўзгариши кузатиляпти.



Бизнинг она заминимиз жаннатмакон, чўл қадасангиз, дарахт унади. У шимолий ярим шарнинг субтропик ҳудудида жойлашган. Ватанимизнинг 85 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат. Унда табиий ўсадиган шифобахш ўсимликлар қанча кўп бўлса, етиштириладиган мева-чева, полиз, сабзавот ундан-да кўп. Афсуски, ўтган асрнинг иккинчи ярмида бу хилқатга ҳам зиён етди.

Сабаби, табиий ресурслардан пала-партиш, тажовузкорона фойдаланилди, атроф-муҳит ифлослантирилди, ҳаво булғанди. Биз яқин ўтмишда ҳатто мевали дарахт учун солиқ солинганини биламиз. Шу сабаб одамлар кўп дарахтларни кесиб ташлашган. Кейинги йилларда боғу бўстонлар барпо этиш, хиёбонлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Лекин ҳамма ҳам табиатга оқилона муносабатда, деб бўлмайди. Бир гектар кўкламзор бир соат ичида 200 нафар одам чиқарадиган миқдордаги карбонат ангидрид газини ўзига «ютиб» олади, ҳавони тозалаб беради. Бунинг қадрига етиш керак.

Болалигим бағрида қолган чўлни, буғдой экилган бепоён даштни тез-тез эслайман. Бошоқ ўрилгач, «ерни тозалаш» учун буғдойпоя ёқиб юборилар эди, унинг тутуни кўкка ўрларди. Буни бизга «келгуси йил ҳосилига тайёргарлик» деб уқтиришган. Ҳозир ҳам ҳар йили улкан майдонларга ғалла экилади. Афсуски, ўша тушунча айримларнинг онгида ҳалиям сақланиб қолган. Онда-сонда бўлса-да, баъзи фермерлар ерни, буғдойпоядан шундай «тозалайди»лар...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, атроф-муҳит ифлосланишида ҳавога «ташланаётган» чиқиндилар салмоқли ўрин тутади. Агар 1 гектар майдонда бошоқли дон пояси ёқилса, 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 килограмм ис гази ва углерод оксиди (CO) атмосферага кўтарилади. Оқибатда наинки ҳаво, ҳатто тупроқ таркиби бузилиб, эрозия кучаяди, унумдорлик кескин камаяди.

Яхши биламизки, кузда кўпинча хазон ёқиб юборилади. Аммо бундан ҳаво қанчалик булғанишини кўпинча тасаввур қилмаймиз. 1 тонна хазон ёқилганда ҳавога 30 килограмм углерод оксиди кўтарилади. Битум ёқилганда ҳосил бўлган қурум инсон организмида сил ва саратон касалликларини келтириб чиқаради.

Табиатга муносабатда ҳар бир ҳаракатимиз эҳтиётликни талаб этади. Файласуф Гро Харлем Брундтланд айтганидек: «Табиат — бу аждодларимиздан бизга қолдирилган мерос эмас, балки келгуси авлодларимиздан олинган қарздир».

Маълумки, атроф-муҳит ва атмосферани ифлослантиришнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика мажмуасига тўғри келади. Бу соҳада атмосферага чиқарилаётган олтингугурт, азот, углерод оксидлари узоқ-узоқларга тарқалади. У ҳавога синггач, сув билан ўзаро реакцияга киришиб, қуруқликка «кислотали ёмғир» бўлиб ёғади.

Одатда, чўл ва тоғолди ҳудудда яшовчи аҳоли дизель ёқилғисини ишлатади. Дизель қурилмалари ишлатилганда, атроф-муҳитга ис гази (CO), углеводородлар (C_nH_m), азот оксидлари (NO_x) ёйилади, ҳаво кўп миқдордаги ёниб улгурмаган углеводородларнинг қолдиғи билан ифлосланади.

Одамзод табиатан яратувчи. Зеро, инсон табиатга етказган хатосини тузатишга, мураккаб экологик вазиятни ўнглашга ҳаракат қилади, калаванинг учини топишга уринади.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб, дунё ҳамжамияти атроф-муҳит ифлосланиши глобаллашувининг олдини олиш ҳаракатини бошлаган эди.

1980 йили БМТга аъзо давлатлар экология соҳасида азот қатламини ҳимоялаш, заҳарли чиқиндиларни ташишни назорат қилиш бўйича битим лойиҳасини муҳокама этди. 1992 йили БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Дастури (ЮНЕП) Рио-де-Жанейрода дунёдаги барча турдаги ўрмонларни бошқариш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, сақроланиш ва чўлланишнинг олдини олишга қарши «XXI асрга ташриф» дастурини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида экологик таҳдидни ядро хавфи билан баб-баравар қўйиб, муҳокама этган. Бу — бежиз эмас, албатта. Истиқлол йилларида республикамизда табиат, атроф-муҳитни муҳофазалашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Кези келганда, бу борада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан кўрилаётган чора-тадбирларни таъкидлаш ўринлидир.

Республикамизда табиат, атроф-муҳит, атмосфера ифлосланишининг олдини олишда, айниқса, ёқилғи-энергетика мажмуасида истиқболли, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш — келажак талаби. Қайта тикланувчи энергия манбалари қўлланиши, экологик тозалиги нуқтаи-назаридан жудаям истиқболлидир. Юртимизда бу соҳада етарли тажриба тўпланган.

Маълумки, Марказий Осиё бирлашган энергия тизими қувватининг 50 фоизи мамлакатимизга тўғри келади.



Республикамиз Энергетика балансига экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини жалб қилиш атроф-муҳитга техноген таъсир ўтказишдан муҳофазалайди. Шундай омилларнинг бири, дунёда кенг ишлатиб келинаётган қайта тикланувчи шамол энергиясидир. Унинг ялпи потенциали Ўзбекистонда 2,2 миллион т.н.э. деб баҳоланган. Аммо бунда локал, алоҳида ҳудудлардаги (Устюрт, Бекобод) шамол энергияси потенциали тўла ҳисобга олинмаган.

Қуёш энергиясини олсак, мамлакатимизнинг иқлим ва жуғрофий хусусиятлари электр ва иссиқлик энергиясини саноат кўламида мазкур имкониятдан фойдаланишга тўла имкон беради. Қуёш энергияси фойдаланишга қулай бўлиб, имкониятлар ҳам кенг. Юртимизнинг ялпи қуёш энергияси салоҳияти 50973 миллион т.н.э., техникавий салоҳияти эса 176,8 миллион т.н.э.га тенгдир. Ҳозирги пайтда республикамизда қуёш энергиясининг 0,3 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси БМТнинг Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда «Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси учун тоза энергия» қўшма лойиҳасини амалга оширди. Тахтакўпир, Қораўзак туманларининг марказий электр тармоғидан узоқда жойлашган фермер хўжаликларига автоном қуёш — ФЭТ — қурилмалари ўрнатди. Бу қурилмалар «Фотон» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқилган.

Қуёш энергиясининг иқтисодий фойдаси ҳам кўп. Биз юқорида айтиб ўтган аҳоли манзилларига электр тармоғи етказиш учун 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ талаб қилинади, 46 та ФЭТни ўрнатиш учун ўртача 60 миллион сўм сарфланди. Қолаверса, атроф-муҳит, ҳаво булғанмайди. Табиатни муҳофаза қилишда қайта тикланувчи энергия манбалари яхши имконият ҳисобланади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи фермерларнинг фермаларида чиқиндилар тўпланиши оқибатида ҳудуддаги экологик тозалик, ҳаво, атроф-муҳит булғанади. Гўнгнинг қайта ишланмай далаларга солиниши ҳам ер ости сувлари, тупроқнинг зарали микроорганизмлар билан булғанишига сабаб бўлади. Экологик хавфсиз биогаз технологияларининг қўлланилиши бу муаммони бартараф этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биогазнинг потенциали чорвачилик чиқиндилари бўйича 8 млрд. $м^3$дан ортиқ. Биомасса энергиясидан у мавжуд барча жойда фойдаланиш мумкин.

Аждодларимиз бизга бой табиий бойликлар, мусаффо ҳаво ва унумдор заминни мерос қилиб қолдирган. Уни киприкда асрашимиз зарур. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биздан озод ва обод Ватан қолсин...

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

XORIJDA

«САККИЗЛИК»НИНГ САММИТОЛДИ МУҲОКАМАСИ

«Саккизлик» давлатларининг молия вазирлари 13-14 июнь кунлари Осака шаҳрида саммит мавзуси бўйича музокара ўтказади, деб хабар беради РИА Новости. Унда вазирлар халқаро ривожланиш муаммолари, жаҳон иқтисоди ва иқлим ўзгариши масалаларини кўриб чиқади.

ЧОРА КЎРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ

Греция бош вазири Костас Караманлис Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэльга мурожаат хати юборди, деб хабар беради gazeta.ru. Унда бош вазир Европа Иттифоқида нарх-наво кўтарилишининг олдини олишни талаб қилган. Шунингдек, хатда 19-20 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқи саммити кун тартибига ҳам шу масалани киритишни тавсия этган. Қимматчиликка қарши туриш учун Караманлис Европа Иттифоқига маблағни аҳолининг кам таъминланган қатлами фойдасига қайта тақсимлаш, истеъмол бозорида рақобатни кучайтириш, жаҳон иқтисодидаги пул қадрсизланишига қарши ҳамкорлар билан бирга курашишни таклиф қилган. Эслатиб ўтамиз, Грециядаги нарх-наво индекси сўнгги беш йил ичида рекорд даражада кўтарилган.

ПРАЙМЕРИЗ ЯКУНЛАНДИ

Чоршанба куни АҚШда республикачиларнинг праймериз сайловлари ниҳоясига етди, деб хабар беради РИА Новости. Январь ойида бошланган праймериз март ойига келиб республикачилардан Жон Маккейннинг ягона номзод эканини кўрсатди. У сентябрь ойида республикачиларнинг съездида расмий равишда президентликка номзод деб эълон қилинади.

СУВ ТОШҚИНИ

Индонезия пойтахтининг қатор туманларини сув босган, деб хабар беради Индонезия ОАВ. Жакарта шаҳри маъмурияти мазкур сув тошқинига тайёргарлик кўрганига қарамай, пойтахтнинг олтита ҳудудида сув 2,5 метрга кўтарилди. Мутахассисларнинг фикрича, сув тошишига қуёшнинг астрономик ҳолати сабаб бўлган. Экологлар эса бу офатга денгиз қирғоғидаги сув ўтларининг шаҳар қурилиши натижасида йўқ бўлиб кетганини сабаб қилиб кўрсатмоқда.



Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУЮРТМАЧИ — ЖИЗЗАХ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №1:

Лот № 1/1	Жиззах вилоятидаги насос станцияси биносининг ер ости бетон қисмидан сув шимиб ўтиши (фильтрация)ни бартараф этиш учун цементация ишларини бажариш.
Лот № 1/2	Жиззах вилояти II кўтарма Жиззах насос станцияси биносини сув босишдан сақлаш чора-тадбирлари.

Ишларни тугаллаш муддати — 2009 йил 30 августгача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Мустақиллик қўрғони.

Телефон: (8363) 72-22-33.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ БУЮРТМАСИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

№ п/п	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚСдан озод этилган (минг сўм)	Қурилиш муддати
I. Сирдарё вилояти хўжаликлараро ва туманлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари			
1.	Сайхунобод тумани, «Шўрўзак» хўжаликлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 2-босқич	85144,374 минг сўм	50 кун
2.	Гулистон тумани, «Шўрўзак» хўжаликлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 2-босқич	113074,981 минг сўм	60 кун
3.	Боёвут тумани, «ВС-5-12» хўжаликлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 2-босқич	68528,756 минг сўм	50 кун
4.	Мирзаобод тумани, «Сардоба» хўжаликлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 2-босқич	164082,810 минг сўм	60 кун
5.	Сирдарё тумани, «Малик» хўжаликлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 2-босқич	68124,206 минг сўм	50 кун
6.	Сайхунобод тумани, «Шўрўзак» туманлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 3-босқич	60129,566 минг сўм	60 кун
7.	Мирзаобод тумани, «Сардоба» туманлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 3-босқич	114822,935 минг сўм	60 кун
8.	Боёвут тумани, «ВС-5-12» туманлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 3-босқич	112065,388 минг сўм	60 кун
9.	Гулистон тумани, «Шўрўзак» туманлараро зовурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари. 3-босқич	149078,969 минг сўм	60 кун

Буюртмачи манзили — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, А.Темур кўчаси, 58-уй.

Тел: 8(3672) 27-27-96.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Молия вазирлиги қошидаги мелиорация фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб-рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки шу миқдорда кредит банк кафолатномаси, махсус ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган лицензияси ва меҳнат ресурслари мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий лаёқат, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шалкллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел: (8-3672) 27-64-84, факс (8-3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ётоқхонасини капитал таъмирлаш

Ишларни тугаллаш муддати — 2008 йил 25 августгача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: — Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 60-уй.

Телефон/факс: (8372) 226-59-09, 226-13-57.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:**

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 8,11,15,18,22,25,29 июль кунлари аукцион савдолари ўтказади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 9-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфидаги:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 904 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 11 100 000 сўм.

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BD 612 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси 11 100 000 сўм бошланғич нархи билан қўйилади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотекабанки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб-рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

ДУНЁНИ ҲАЯЖОНГА СОЛУВЧИ 23 КУН

7-29 июнь кунлари Швейцария ҳамда Австрия яшил майдонларида футбол бўйича XIII Европа чемпионати баҳслари бўлиб ўтади

Қитъамизда 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг Осиё минтақаси учинчи босқич баҳслари қизғин паллага кирадиган кунлар бутун дунё ишқибозларининг нигоҳи Европага қаратилади. Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи ушбу мусобақада Европанинг энг кучли ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун майдонга тушади. Чемпионат низомига кўра, иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, чорак финалчилар номини аниқлайдилар.

Хабарингиз бор, ЕВРО — 2008 саралаш баҳсларида жамоалар етти гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боришди. Бу гуруҳларнинг биттасида саккиз, олтитасида эса еттитадан терма жамоа ўзаро куч синашди. 2006 йилнинг кузида старт олган саралаш ўйинлари ўтган йилнинг ноябрида ниҳоясига етди. Чемпионат мезбонлари — Швейцария ва Австрия терма жамоалари мусобақа финал босқичига тўғридан-тўғри йўлланма олишган бўлса, қолган ўн тўрт иштирокчи номи шиддатли саралаш ўйинларидан сўнг аниқланди.

Қуръага мувофиқ, яна бир неча кундан сўнг бошланадиган Европа чемпионати гуруҳлари эса қуйидагича кўриниш олган:

«А» гуруҳи: Швейцария, Чехия, Португалия, Туркия

«В» гуруҳи: Австрия, Хорватия, Германия, Польша

«С» гуруҳи: Голландия, Италия, Руминия, Франция

«D» гуруҳи: Греция, Швеция, Испания, Россия.

Кўпчиликнинг фикрига қараганда, «С» гуруҳи «ўлим гуруҳи» номини олган. Аммо, мураббийларнинг қуръа якунлари хусусидаги сўзларига эътибор қаратсангиз, бунга қўшилиб бўлмайди.

— Жуда ёқимли ҳодиса, — дейди Руминия терма жамоаси бош мураббийи Виктор Пицуркэ. — Бу гуруҳдан жаҳон чемпионлари ва вице чемпионлари, шунингдек, биз яхши биладиган Голландия жой олди. Бундан жуда хурсандман! Агар жиддий гапирадиган бўлсам, Европа чемпионатида бундай рақиблар билан ўйинларда биз бебаҳо тажриба тўплаймиз. Умид қиламанки, жамоамиз унутилмас таассуротлар олади. Ҳар қандай йирик турнирда бўлганидек, бу сафар ҳам кутилмаган натижаларни кўрсатадиган жамоалар пайдо бўлади, деб ўйлайман. Уларнинг орасида нима учун биз бўлмаслигимиз керак?! Руминия дастлабки иккита ўриндан бирини эгаллашига тўсқинлик қиладиган сабабни кўрмаяпман.

Юртимизнинг аксарият ишқибозлари ЕВРО — 2008 да Россия терма жамоасига мухлислик қилиши шубҳасиз. Чорак финалгача етиб бориши тахмин қилинаётган россиялик футболчилар мусобақа кашфиётларидан бири бўлса, ажаб эмас.

— Кучли рақобатга эга бўлган гуруҳдан жой олдик, — дейди Россия терма жамоаси бош мураббийи Гуус Хиддинк. — Саралаш турнири қанчалик мураккаб кечганлигидан қатъи назар, финал босқичига чиққанимиздан хурсандман. Менимча, барча рақибларимиз ўзларига Россия жамоаси тўқнаш келишидан хурсанд бўлса керак. Аммо биз Европа чемпионатида барчани ажаблантиришга уриниб кўрамиз.

Учрашувлар Австриянинг Инсбрук, Клагенфурт, Зальцбург, Вена, Швейцариянинг Базель, Берн, Женева ҳамда Цюрих шаҳарларидаги стадионларда бўлиб ўтади. Чемпионат 7 июнь куни Базелдаги «Санкт-Якоб Парк» стадионида Швейцария — Чехия терма жамоалари «тўқнашуви» билан бошланса, 29 июнь куни Вена шаҳридаги «Эрнст-Хаппель-Штадион» ўйингоҳида ўтадиган финал учрашуви навбатдаги Европа чемпиони номини аниқлаб беради. «Кичик жаҳон чемпионати» номини олган мазкур мусобақа учрашувлари доимо ишқибозлар диққат марказида туради. Шу боис, ЕВРО — 2008 учрашувларига чиқарилган чипталарга ҳам харидорлар кўп бўлди. Бу йилги Европа чемпионати ташкилотчилари чипталарни 1 майдан 31 майгача «euro 2008.com» интернет сайти орқали бронлаштириш имкониятини яратиб беришди. Уларнинг нархи 45 евродан 110 еврогача қилиб белгиланди. Вена шаҳрида ўтказиладиган финал учрашуви чипталарига эса 160 евродан 550 еврогача нарх қўйилди. УЕФА матбуот котиби Томас Жорданонинг билдиришича, чипталарга етти баравар кўпроқ буюртмалар олинган.

— Ҳаммаси бўлиб, 8,7 миллионта чиптага буюртма олдик, — дейди Томас Жордано. — Бу 2004 йили Португалияда ўтказилган Европа чемпионатидагига нисбатан ўн саккиз баробар кўп демакдир. Биз эса фақат бир миллион эллик минг дона чипта тарқатдик. Шу боис буюртмалар ўртасида ўзига хос лотереяни ташкил этишдан бошқа чорамиз қолмади.

Россияда ҳам чипталар тоифаларига қараб турли нархларда сотилди. «Квинта-тур» агентлиги бир қатор учрашувларга чиқарилган чипталарнинг нархларини эълон қилди. Турли агентликларда энг арзон чипта 400 евродан, энг қиммати эса 3500 евродан сотилди. «FootRussia» агентлиги «Ярим+финал» VIP чипталар пакетини 17000 еврогача баҳолаганлигини таъкидлаш лозим.

Австрия ва Швейцария яшил майдонларида дунёга машҳур футбол юлдузлари тўп суришлари табиий. Аммо шундай таниқли футболчилар борки, улар ўзларининг севимли жамоалари учрашувларини томошабинлар қаторида кузатишдан бошқа чора топа олишмайди. Чунки айрим терма жамоалар бош мураббийлари бу галги Европа чемпионатида юлдузлар хизматидан воз кечишга қарор қилишган. Жумладан, қанчалик хоҳлашмасин, бу галги баҳсларда Рауль Гонсалес (Испания), Филиппо Индзаги, Кристиано Лукарелли (Италия), Давид Трезеге, Жибриил Сиссе, (Франция), Манише (Португалия), Хоқон Шукур (Туркия), Томаш Росицки (Чехия), Бернд Шнайдер (Германия)лар ўз жамоаларига ёрдам бера олишмайди.

Аммо мураббийларнинг бу қарорлари катта футбол байрамига заррача салбий таъсир кўрсатмаслигини барча бирдек ҳис этмоқда. Европа чемпионати ташкилотчилари эса мусобақадан олинадиган фойдани аллақачон хомчўт қилишга киришганлар. Маълумки, чемпионатда қатнашадиган ҳар бир мамлакатнинг бош жамоаси мусобақа баҳонасида ўзининг молиявий аҳволини яхшилаб олади. Ўз навбатида мезбон давлатлар ҳам нуфузли турнир орқали жуда катта даромад қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Австрия ва Швейцария вакиллари бу йил ЕВРО — 2004 га мезбонлик қилган португалияликлар кўрган фойдадан ҳам кўпроқ сармояга эга бўлишар экан.

Жаҳон чемпионатларида икки маротаба бронза медалига сазовор бўлган Польша терма жамоаси ўз тарихида илк бор Европа чемпионатида қатнашади. Агар поляк футболчилари Европа чемпионлигини қўлга киритишса, Польша футбол федерацияси уларни 3 миллион евро билан мукофотлашга қарор қилган. Мабодо германияликлар шундай натижани қайд этишса, ҳар бир ўйинчи 250 минг евродан мукофот олади. Швеция футбол федерацияси эса бош соврин қўлга киритилса, 23 футболчини 40 миллион крона билан тақдирлашни мўлжаллаб қўйган.

Энг катта мукофотнинг эса УЕФА томонидан берилишига шак-шубҳа йўқ. Ёдингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам Португалия яшил майдонларида ўтган Европа чемпионатида 129 миллион евро ўн олти терма жамоанинг иштирокига қараб тақсимланганди. Бу сафар ажратилган мукофот миқдори янада салмоқлидир. Жумладан, УЕФА ЕВРО — 2008нинг соврин жамғармасини 189 миллион евро қилиб белгилаган.

Мазкур маблағ қуйидагича тақсимланади:

жамоаларнинг иштироки учун — 7,5 миллион евро;

гуруҳ босқичидаги ҳар бир ғалаба учун — 1 миллион евро;

чорак финалга чиққани учун — 2 миллион евро;

ярим финалга чиққани учун — 3 миллион евро;

финалчига — 4,5 миллион евро;

чемпионга — 7,5 миллион евро.

Агар чемпион гуруҳ босқичидаги барча учрашувларда ғалаба қозонадиган бўлса, 23 миллион евро даромад қилади.

Европа чемпионатидан жой олган 31 учрашувни жами 44 ҳакам бошқариб боради. Улар ўн иккита гуруҳга бўлинган. Учрашувлар давомида «қора либос» соҳиблари ҳам яхшигина пул ишлаб олиш имкониятига эгалар. Жумладан, бош ҳакам ҳар бир ўйин учун 10, қанот ҳакамлари эса 5 минг евродан оладилар. Тўртинчи ва бешинчи ҳакамлар эса 4 ҳамда 3 минг евродан ҳақ олишлари белгиланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Европа чемпионатининг барча ҳакамлари Цюрихда ўтказилган матбуот анжуманида дунёга машҳур «Hublot» (Швейцария) соатсозлик фирмасида ишлаб чиқарилган ажойиб соатлар билан тақдирланадилар. Ушбу соатларнинг бошқаларидан фарқи шундаки, у «Dubois-Depraz» компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва ундан фақат футбол майдонида фойдаланиш мумкин. Чунки соатнинг циферблати атиги 45 дақиқага мўлжалланган ва унда қўшимча 15 дақиқани кўрсатувчи махсус мослама ҳам мавжуд.

Ҳа, бугун миллионлаб мухлислар катта футбол байрами ўйинларини яшашмоқда. Қалбларни ҳаяжонга солувчи, дилларга шодлик улашувчи йигирма уч куннинг бошланишига эса жуда-жуда оз фурсат қолди...

Эркин ХОЛБОБО

XIII Европа чемпионати тақвими

2008 йил 7 июнь, шанба
Швейцария — Чехия
Португалия — Туркия
2008 йил 8 июнь, якшанба
Австрия — Хорватия
Германия — Польша
2008 йил 9 июнь, душанба
Руминия — Франция
Голландия — Италия
2008 йил 10 июнь, сешанба
Испания — Россия
Греция — Швеция
2008 йил 11 июнь, чоршанба
Чехия — Португалия
Швейцария — Туркия
2008 йил 12 июнь, пайшанба
Хорватия — Германия
Австрия — Польша
2008 йил 13 июнь, жума
Италия — Руминия
Голландия — Франция
2008 йил 14 июнь, шанба
Швеция — Испания
Греция — Россия
2008 йил 15 июнь, якшанба
Швейцария — Португалия
Туркия — Чехия
2008 йил 16 июнь, душанба
Польша — Хорватия
Австрия — Германия
2008 йил 17 июнь, сешанба
Голландия — Руминия
Франция — Италия
2008 йил 18 июнь, чоршанба
Греция — Испания
Россия — Швеция
2008 йил 19 июнь, пайшанба
1/4 финал
№ 1. «А» гуруҳи ғолиби — «В» гуруҳи 2-жамоаси
2008 йил 20 июнь, жума
1/4 финал
№ 2. «В» гуруҳи ғолиби — «А» гуруҳи 2-жамоаси
2008 йил 21 июнь, шанба
1/4 финал
№ 3. «С» гуруҳи ғолиби — «Д» гуруҳи 2-жамоаси
2008 йил 22 июнь, якшанба
1/4 финал
№ 4. «Д» гуруҳи ғолиби — «С» гуруҳи 2-жамоаси
2008 йил 25 июнь, чоршанба
Ярим финал
№ 1-учрашув ғолиби — **№** 2-учрашув ғолиби
2008 йил 26 июнь, пайшанба
Ярим финал
№ 3-учрашув ғолиби — **№** 4-учрашув ғолиби
2008 йил 29 июнь, якшанба
ФИНАЛ

Хотира боқийдир

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон хотирасига бағишланган шеърият кунлари ва кураш мусобақаси бўлиб ўтди

Икки кун давомида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика кураш Миллий федерацияси Сирдарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган хотира тадбирлари бири-биридан қизиқарли ва ҳаяжонли бўлди. Ўқув юртларида, маънавият даргоҳларида учрашувлар, шеърият кечалари ўтказилди. Айниқса, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимида ўтказилган мушоира сирдарёликларнинг адабиёт байрамига айланиб кетди.

— Тўра акадан одамийликни, камтарлик-камсуқумликни ҳар қанча ўрганса, арзирди, — дейди Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева. — Унинг ижоди, ўзига хос услуби ҳайратда қоларли бўлишига қарамай, ҳеч қачон каттагаплик қилганини сезмаганмиз. Шундай ажойиб инсон ва ижодкор билан замондош, юртдош бўлиб яшаганимга беадад шукурлар қиламан.

Учрашувда сўзга чиққан адиблар Муҳаммад Исмоил, Собир Ўнар, Луқмон Бўрихон ва бошқалар ҳам халқ шоири Тўра Сулаймон ҳақидаги хотиралар, унинг ўзига хос, бетакрор ижодий мероси хусусида фикрлашдилар.

Айни вақтнинг ўзида шу икки кун давомида шоир хотирасига бағишлаб кураш мусобақалари ҳам ўтказилди. Унда Республикамизнинг номдор кураш усталари, қўшни давлатлардан келган полвонлар куч синашдилар.

Кечга яқин тадбир қатнашчилари курашнинг финал босқичини томоша қилиш учун муҳташам Алпомиш саройига жамулжам бўлишди. Ўзбек курашининг довруғини дунёга таратиб келаётган Шерали Жўраев, Давлат Чориев, Элибой Иброҳимов, Шамсиддин Саидов, Ҳикмат Қуртов, Садриддин Кўчимов, Шуҳрат Бобоев сингари чапдаст полвонлар майдонга чиқиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шунингдек, самарқандлик Гулмира Исматова, сирдарёлик Ўғилой Нуралиева, андижонлик Наргиза Ҳамдамова, тошкентлик Гулноза Қамбарова, Муҳайё Сатторова, қорақалпоғистонлик Рўзихол Қорақуловалар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЧҚУДУҚДА ҚЎШИҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурига асосан Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида «Шимол овози» қўшиқлар фестивали бўлиб ўтди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси, Учқудуқ туман ҳамда шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ёш санъаткорлар иштирок этди.

Илк маротаба ўтказилаётган ушбу фестиваль йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлашда иштирокчиларнинг ижро маҳорати, саҳна маданияти, қўшиқларнинг мазмуни ва мусиқасига алоҳида эътибор қаратди.

— Мазкур танловни ўтказишдан мақсад тумандаги ёш истеъдодларни аниқлаш ва рағбатлантириш, ижодкорлик қобилиятини ошириш, маънавий дунёсини бойитиш ҳамда миллий қўшиқчилигимизга бўлган эътиборни кучайтиришдан иборат, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Эрғали Халибеков. — Фестивалда иштирок этганларнинг деярли ҳаммасини ёшлар ташкил этади. Бу эса Ёшлар йилида уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир далилидир.

«Современник» маданият уйи бадиий раҳбари Зариф Жўраев «Шимол овози» фестивалининг олий мукофотига сазовор бўлди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

МЕҲР-ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Юртимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Улардан бири пойтахтимизнинг Учтепа туманида «Sharq ayoli» халқаро хотин-қизлар жамоат жамғармаси томонидан ўтказилди.

Мазкур тумандаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари таклиф этилган тадбирда мамлакатимизда ёш авлод камолоти, истиқболи, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бундай эзгу ишларда нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Sharq ayoli» халқаро хотин-қизлар жамоат жамғармаси томонидан ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, асраб-авайлашга йўналтирилган семинар-машғулотлар, амалий анжуманларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани бунинг далилидир.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 1993 йилда Рашидхожаева Наиля Сабирхаджаевна номига берилган № 014913 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

(Газетанинг навбатдаги сони 10 июнь, сешанба куни чиқади)

Луқма

«СЕНИ КЎРМАСАМ, ЎЛАМАН!»

Ўқув йили якунлари ҳақида мақола ёзиш мақсадида Хоразмдаги умумтаълим мактабларидан бирига бордим. Директор асабий ҳолатда ўтирган экан. Суҳбатимиз асносида гап мавзуи мавжуд муаммоларга бориб тақалди.

— Педагогларнинг асосий вазифаси — ўқувчиларга таълим-тарбия бериш. Аммо баъзи ҳолатларда фаолиятимизга мутлақо алоқаси йўқ ишларни ҳам бажаришга мажбур бўлаяпмиз, — деди суҳбатдошимиз хуноб бўлиб.

У сўзининг исботи сифатида ғаладонидан бир тахлам концерт чипталарини чиқарди-да, стол устига ташлади. Кейин уларнинг бирини узатиб, чиптада акс этган суратдаги хонанда ҳақида сўради. Тўғриси, ҳозир турли йўналишда ижод қилаётган ёшлар кўпайиб кетган, мен уни танимаслигимни тан олдим.

— Ана, сиз билмайсиз, бу хонандани биз қаердан билайлик? Аммо, унинг концертига эллик дона чипта сотишим керак эмиш. Ҳар бири икки минг сўмдан. Педагог концертга тушишга вақти йўқ, имкони борининг ўзи бораверади, десам, «Унда ўқувчиларга сотинг! Уч кундан сўнг пулини олайлик», дейишди. Энди кимга сотаман уларни?

Чиптани сотиш учун берган туман халқ таълими бўлими раҳбариятига бориб учрашдик. «Сени кўрмасам, ўламан!» деб номланган концерт дастурига мактаб ўқувчиларининг кириши ўзи тўғримикан, деган савол билан мурожаат этгандик, «Нима қилайлик? Бизга ҳам юқоридан беришган. Ҳар ой шу ҳол. Тўрт кундан бери икки мингта чиптанинг пулини ундиролмай ҳалакман...» деган жавобни айтди.

Қизиқ. Ҳозир нима кўп, санъаткорлар кўп. Ҳар куни вилоятдаги телевидениелар орқали қайсидир қўшиқчининг катта концерт дастури ҳақида эълон берилади. Бугунги кунда чипталарни тумандаги корхоналар ва албатта, ўқув даргоҳларига юқори ташкилотлар орқали тарқатиш ҳам «урф» бўлди. Одатда, чипта махсус белгиланган жойларда сотилиши керак. Ким хоҳласа, марҳамат, бораверсин. Лекин чипталарни тумандаги ташкилот, мактаб ва коллежларгача қистов ёки буйруқ билан тарқатилишини қандай баҳолаш мумкин? Ўша хонанданинг санъатига қизиқиш борми ёки йўқми, ҳеч кимнинг иши йўқ. Чипта сотилишга сотилади, лекин ҳайҳотдек стадион концерт куни бўм-бўш бўлади. Концертга саноқли одамлар киради холос.

Ўша директор куюниб деди: «Очиғи, ўқувчилар орасида ҳам обрўйимиз қолмади. Қачон қараманг, чипта ол, деб мажбурлаймиз. Бунақада...»

Директор охирини айтмади. Ҳатто исми-шарифи, мактаб номини кўрсатмасликни илтимос қилди. Негалиги тушунарли, албатта. Қолаверса, бундай ҳоллар кўплаб бошқа мактабларда ҳам учрайди. Биз айнан бир мактабга эмас, балки масалага эътиборни қаратмоқчимиз. Бундай ножоиз амалиётга чек қўйилмаса, ўқитувчиларнинг қимматли вақтлари кетади, ўқувчилар олдида обрўлари тўкилади. Аслида, ёшларни қандай маданий тадбирларга олиб боришни жиддий ўйлаб кўриш керак-ку. Ҳар бир тадбир мавзуси, тарбияга фойда-зарари, ўқувчиларнинг ёши, қизиқишига мослигига қараб ташкил этилиши лозим эмасми?..

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
12311 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 22.55
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda